# ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

# «ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986-1990 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ҲАМДА КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КОМПЛЕКСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

## Депутат П. М. АБДУРАҲМОНОВ нутқи

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ**

Область экономикаси олдида масъулиятли вазифалар турибди. Меҳнат унумдорлигини илдам ўстириб, саноат ишлаб чиқариши ҳажмларини ошириш суръатини анча кўпайтириш кўзда тутилмоқда. «Интенсивлаш» территориал-тармоқ программаси амалга оширилмоқда. Фондларнинг самарадорлигини барқарор қилиш, баъзи корхоналарда эса кўпайтириш, асбоб-ускуналарнинг смена коэффициентини анча ошириш мўлжалланмоқда. Капитал маблағ умумий ҳажмининг ярмисини корхоналарни реконструкциялашга ва техника билан қайта қуроллантиришга сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Область территориясида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни майдонларни кенгайтириш ҳисобига кўпайтириш имкониятлари чекланган. Асосий йўл интенсивлашдан, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорва маҳсулдорлигини оширишдан иборат. Гўшт, сут, сабзавот ва мева етиштиришни бир ярим баравар кўпайтириш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирларини маъқуллади. Янгича ишлашни сабот билан ўрганиш, депутатларнинг, депутатлар группаларининг, доимий комиссияларнинг активлигини ошириш, маҳаллий Советлар, корхона ва ташкилотлар, министрлик ва идораларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга ёндашиш йўлларини қидириб топиш зарурлиги таъкидланади. Афсуски, маҳаллий Советларнинг таклиф ва ташаббусларини тегишли ташкилотлар тушуниб, қўллаб-қувватлаётганлари йўқ.

Социал соҳанинг тармоқлари узлуксиз ишлаши, ҳаракатчан бўлиши, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланиши учун муайян ишларни бажариш, шу жумладан лойиҳа-конструкторлик ечимларини яратиш, савдо, коммунал корхоналар учун ва аҳолига хизмат қилиш учун турли асбоб-ускуналарни тайёрлаш топшириқларини министрликлар билан идораларнинг корхона ва ташкилотлари планларига киритиш ҳуқуқини Советларга бериб қўйиш керак.

Ҳозир уй-жой қурилишига марказлаштирилган давлат капитал маблағининг кўп қисми тармоқ принципи асосида тегишли идораларга, оз қисми эса бевосита Советларга ажратилмоқда.

Ўтмишда, маҳсулотни кўпайтиришга асосан янги корхоналар қуриш ҳисобига эришилган ва кадрларнинг оқиб келиши талаб этилган пайтда бу практика мақбул эди. Бу тартибни жиддий равишда ўзгартириш керак. Корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш туфайли ундаги ходимлар сони камайиши мумкин. Шунинг учун ҳам социал вазифаларни ҳал этишга аталган капитал маблағни маҳаллий Советларга ажратиб бериш мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Агросаноат комплексида ҳам кўпгина проблемалар бор. Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг корхоналари ерга муносабатни ўзгартирганлари йўқ. Паркент канали орқали суғориладиган зонада барпо этилган олтита совхоз ёмон ишламоқда. Қурилишга эса ҳозирнинг ўзидаёқ 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Тузукроқ самара олинаётгани йўқ. Нокомплекс қурилиш — бунинг асосий сабабидир. Уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар қурилиши жуда орқада қолмоқда.

Республика партия активининг йиғилишида республикадаги катта ўрмонзорлардан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги танқид қилинди. Ўрмон хўжалиги министрлигининг бизнинг областимиздаги олтита хўжалиги кам самара бермоқда. Тоғ ёнбағирларини поғоналаб дарахтзорлар барпо этиш, техника базасини мустаҳкамлаш йўли билан мева ва ёнғоқ етиштиришни кескин кўпайтириш имконияти бор. Республиканинг халқ хўжалик комплекси катта, уни интенсивлаш изига тубдан буриб юбориш — мураккаб вазифа. Аммо биз бу вазифа ҳал этилишига аминмиз.

## Депутат У. М. БАКИРОВА нутқи

**СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ВОРОШИЛОВ РАЙОНИДАГИ КУЙБИШЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ СУТ СОҒУВЧИСИ**

Чорвадорларнинг ишларида ҳам қайта қуришнинг ижобий натижалари сезилиб турибди. Аммо бу бизга хотиржамликка берилиш учун асос бермайди. Қорамолнинг Бушуев зотини ҳамма яхши билади. Мирзачўл шароитида бу қорамол зоти жуда яхши натижа бериб келмоқда. Бироқ, афсуски, шу қорамол зотига мансуб сигирлар туёғи йил сайин камайиб кетмоқда. Чорвачиликдаги кўпгина ишлар ҳамон механизациялашмаган, фермалардаги қўл меҳнати эса нақадар машаққатли эканини ҳамма билади. Биз сут соғувчиларнинг иши икки сменада ташкил этилишини ҳоҳлаймиз. Бу бизга уй ишлари, бола тарбияси билан кўпроқ шуғулланиш имконини берган бўлур эди.

Бизнинг ишимизда ҳамма нарса эскичасига қолаверадиган бўлса, қайта қуриш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Бизга илғор тажрибалар ҳақида, «Красний водопад» тўғрисида, «Тандем» аппаратлари ҳақида кўп гапиришади, аммо уларни кўришга мушарраф бўла олмаяпмиз.

Республикада министрликлар, илмий-тадқиқот марказлари оз эмас. Бизнинг экономикамиз мустаҳкам, биз катта ишлар қилишга қодирмиз. Аммо биз қачонгача ўз проблемаларимиз ҳақида юксак минбарлардангина гапирамиз? Фан ютуқлари ва илғор тажриба бизнинг областимизга, фермаларимизга қачон етиб келади?

Ишимиздаги яна бир тўсиқ ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Аҳолидан сут қабул қилиб олишни ташкил қилиш қишлоқ Советларига топширилган. Биз бунга қарши эмасмиз, бироқ, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Жойларда аҳолидан сут қабул қиладиган пунктлар ташкил этилмаган, агропром органлари сут топширувчиларни зарур ем-хашак билан таъмин этмаяпти, сутни асраш учун совутиш қурилмаларини қаердан олишни ҳеч ким билмайди.

Сут топширувчиларга маҳсулот таркибидаги ёғга мувофиқ ҳақ тўланиши керак, аммо ўлчов асбоблари йўқлиги сабабли бу проблема ҳал этилмаяпти. Буни нормал ҳол деб бўладими, ахир.

Ҳозир ем-хашак проблемаларини узил-кесил ҳал этмай туриб, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Шуни эътиборга олиб, область меҳнаткашлари ҳар йили 210 минг тоннадан кўпроқ дағал хашак тайёрламоқдалар. Афсуски, унинг 20—25 проценти ўзининг тўйимлилик қимматини йўқотмоқда. Гап шундаки, бизнинг областимиз кучли шамоллар зонасида жойлашган. Ёғингарчилик ҳам кўп бўлади. Ем-хашак ўз хусусиятини сақлаб қолиши учун унинг устини ёпиш керак, бундай материал эса бизда йўқ ва уни қачон олишимизни ҳам билмаймиз.

Областда бошқа муаммолар ҳам бор. Бизнинг шароитимизда канал ва коллекторлар ўз вақтида техника билан тозалаб турилмаса, яхши ҳосил олиб бўлмайди. Районимиздаги коллекторларнинг узунлиги 854 километрни ташкил этади. Ихтиёримиздаги 6 та экскаватор билан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бўладими, ахир?

Зарур шарт-шароитлар йўқлиги сабабли, айниқса шўрхок чўл зонасида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва ерларнинг унумдорлиги пасайиб кетмоқда.

Сайловчилар менга Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида бир қанча наказлар беришди. Жумладан, район марказида замонавий спорт комплекси қуришни, Верхне-Волинск пахта тозалаш заводининг ишчи ва хизматчилари яшаб турган посёлкани газ билан таъминлашни талаб қилишди. Бу масалалар халқ депутатлари район ва область Советларининг сессияларида неча марталаб кўтарилди, аммо ҳозирча натижа йўқ.

Гарчи спорт комплекси 1986 йил планига киритилган бўлса ҳам, объектда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаяпти. Республика Физкультура ва спорт давлат комитети комплексни қуришга маблағ ажратмай, бу муҳим ишни пайсалга солиб келмоқда. Бугун мен посёлкани газ билан таъминлашни жадаллаштириш чораларини кўрмаётган «Союзузбекгазпром» раҳбарларини ҳам танқид қилишга мажбурман.

## Депутат И. Х. МУСИН нутқи

**«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ**

Ўн иккинчи беш йилликда, бизда аввало ускуналар иши смена коэффициентини ошириш, ҳар бир цехни ростмана икки-уч сменали ишга ўтказиш, қимматбаҳо махсус ускуналар ва рақамли программа билан бошқариладиган станоклардан эса кечаю-кундуз фойдаланиш лозим. Халқ хўжалиги тараққиётининг юксак марраларига эришиш фан-техника тараққиётига, сифатни ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширишга таянишини назар-эътиборга олган бирлашмамиз мутахассислари юз от кучига эга бўлган трактор оралиқ варианти конструкциясини ишлаб чиқдилар.

Ана шу тракторларнинг намуналари тайёрланиб, синаб кўриш учун СССР Давлат агросаноат комитетининг Ўрта Осиё машинасинаш станциясига юборилди.

Пахтачиликка бақувват тракторлар етказиб бериш муддатларини қисқартириш мақсадида бу йил ана шундай тракторларнинг бир туркумини тайёрлаш ва уларни иш устида синаб кўришга қарор қилинди.

Бирлашма келажакка мўлжаллаб қўйган катта планлар ҳар бир иш ўрнида юқори малакали кадрлар ишлаган тақдирдагина рўёбга чиқиши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг айрим участкаларида меҳнат қилаётган ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг, айниқса, ўрта бўғинга мансуб ана шундай мутахассисларнинг профессионал билимлари ҳозирги кун талабларига жавоб бермаяпти.

Бир қанча сабабларга кўра ана шундай аҳвол фақат бизнинг бирлашмамизда эмас, балки регионимиздаги бошқа кўпгина машинасозлик корхоналарида рўй берди.

Биз ана шу жиддий нуқсонни қатъий ва энг қисқа муддатларда корхоналар билан бир қаторда меҳнат коллективлари энг яхши ибрати ва анъаналари руҳида олий ўқув юртларида ўқитиш ва тарбия сифатини ошириш ҳисобига барҳам беришимиз керак.

Янги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш муддатлари ва ҳажмларига бевосита боғлиқдир. Ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган план лойиҳасига кўра, бош заводни кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун қурилиш-монтаж ишларига ажратилган маблағ 35 миллион сўмни ташкил этади.

Аммо Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги бош завод бўйича пудрат ишлари лимитини ўн етти миллион сўмгача камайтирди. Шу тариқа бақувват пахтачилик тракторлари ишлаб чиқариш учун қувватларнинг биринчи босқичини яратиш имконияти истисно этилади.

Тошкент қуюв заводининг биринчи навбатини ишга тушириш ишлаб чиқариш технология-комплексини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

Аммо бунинг учун кадрлар масаласидек энг муҳим проблемани ҳал этиш лозим. Буни ҳал этишда бизга Ҳунар-техника таълими давлат комитети ва республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ёрдам бериши лозим.

Қувватларни муддатида ишга тушириш учун қурилишга қурилиш конвейерининг ҳамма қатнашчилари — лойиҳачилар ва ишлатувчилар — бригадир ва мастердан тортиб, то директоргача, прорабдан тортиб пудратчи министрликларнинг раҳбаригача — буларнинг ҳаммаси ҳар кун, ҳар соат жиддий эътибор беришлари керак.

## Депутат Д. Д. БЕРКОВ нутқи

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ**

Ўн иккинчи беш йиллик конкрет ишларда амалга оша бошлади. Ярим йилликнинг якунлари автоном республикада экономикани ривожлантириш, социал ҳаётни яхшилаш суръатларини ошириш тенденцияси сезилаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга эришилган натижаларга танқидий баҳо бериб, ишларимизнинг савияси ҳозирча партиянинг ҳозирги талабларига, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми қарорларига жавоб бера олмаслигини очиқ айтиш керак.

Қолоқ корхоналар сони жуда секинлик билан камаймоқда, уларнинг кўплари маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини барбод қилмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, давлат ва план интизомига риоя этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш учун кадрларимизнинг масъулиятни сезиши ҳали ҳам етарли эмас. Энг муҳим халқ хўжалик қурилишлари ва социал-маиший объектлар ўз вақтида ишга туширилиши таъминланмаяпти. Планлаштириш, қурилишларни зарур материаллар ва ишчи кадрлар билан бир маромда таъминлаш масалалари такомиллаштиришга муҳтождир.

Иш услуби ва методларини қайта қуриш, кадрлар фаолиятида бюрократизм, бепарволик, масъулиятсизлик ва консерватизм кўринишларини тугатиш секинлик билан бормоқда. Биз мана шу камчиликларни тугатишни шу йилги ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришнинг асосий шарти деб ҳисоблаймиз.

Планларда автоном республика ишлаб чиқарувчи кучларини тез суръатлар билан ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини анча ошириш кўзда тутилган.

Бироқ, буларнинг ҳаммасини тўла амалга ошириш учун тегишли министрликлар ва идоралар ўзларининг беш йиллик ва йиллик планларида Қорақалпоғистон бўйича белгиланган ҳажмларни қайта кўриб чиқишлари ҳамда улар сўзсиз бажарилиши устидан контрол қилиб боришлари керак. Бу аввало Госплан. Давлат агросаноат комитети, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда республиканинг бошқа бир қатор министрликлари ва идораларига тааллуқлидир.

«Главсредазирсовхозстрой» бу йил Туямўйин — Нукус — Тахтакўпир сув қувури қурилишида 5 миллион сўмни ўзлаштириши лозим. Бироқ, ярим йил ўтиб кетганига қарамай, ҳали бир метр ҳам қувур ётқизилгани йўқ.

Биз республика Қурилиш министрлиги раҳбарларининг позициясини ҳам тушуниб етмаяпмиз. Улар Нукус шаҳрида муҳим қурилиш объектларини тиклайдиган 166-Нукус қурилиш тресги қувватларини оширмаяптилар. Автоном республикада суғориладиган ерлар самараси жуда паст. Айниқса бу ерлар унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб кетаётганлигига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Аҳволни тўғрилаб олиш учун йўл қўйилган қолоқлик сабабларини аниқ-равшан кўра билиш лозим. Бу сабабларнинг асосийси энг аввало капитал қурилиш сиёсатидаги жиддий хатолардир. Капитал қурилиш учун ажратилган маблағлар асосан янги қурилишларга сарфланмоқда, кенг кўламли, сувни тежовчи инженерлик тадбирларини амалга оширишга, суғориш системаларини реконструкциялашга эса маблағ ажратилмаяпти.

КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, жамият тараққиётининг бурилиш пайтида кескин бурилиш сари дадил ҳаракат қилиш, қатъий ўзгартишлардан чўчимаслик керак. «Главсредазирсовхозстрой» совхозларини агросаноат комплексига топшириш масаласи кўп вақтдан буён ҳал қилинмай қолмоқда.

«Главсредазирсовхозстрой»нинг биздаги мавжуд ташкилотлари ва совхозлари базасида ягона қўриқ агросаноати органини тузиб, уни бевосита СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига бўйсундиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мана шу орган давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш планлари бажарилиши ва ошириб бажарилиши учун жавоб бериши лозим. Бундай қайта ташкил этиш КПСС Марказий Комитетининг куч ва маблағларни агросаноат комплексининг ҳал қилувчи соҳаларида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан ҳам, иқтисодий самарадорлик жиҳатидан ҳам энг яхши натижаларни таъминлайдиган жойга тўплаш тўғрисидаги янги талабларига тўла мос келган бўлур эди. Бундан ташқари, бошқарув аппарати анча қисқарган бўлур эди.

Область партия ташкилотининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишлари партия XXVII съезди йўлини амалга оширишга қаратилган. Партия ташкилотларининг фаолияти сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилмоқда, экономикага раҳбарлик қилишни яхшилаш, тартиб ва интизом ўрнатиш, ҳар бир ходимнинг ўзига топширилган соҳада масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш учун замонавий ёндашув йўллари қидирилмоқда. Партиянинг социал-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда халқ депутатлари Советлари ва хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг роли ва жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилмоқда.

## Депутат А. БОҚИЕВ нутқи

**НАМАНГАН ОБЛАСТЬ УЧҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗ БОШ АГРОНОМИ**

Бизнинг совхозимиз — республикадаги энг кекса хўжаликлардан бири, унда мустаҳкам қарор топган меҳнат коллективи ишлаб турибди. Хўжалик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган планларни бажармоқда.

Ўн иккинчи беш йилликда биз янада зўр ғайрат билан ишлашимиз керак. Совхоз ҳар йили 14,2 минг тонна пахта етиштириши, гўшт ва сут етиштиришни беш йиллик охиригача 1,3—1,4 баравар кўпайтириши лозим. Бунинг учун биз айниқса пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантиришдаги резервлар ҳамда имкониятларни янада активроқ қидириб топишимиз керак.

Совхоз экономикаси йил сайин мустаҳкамланмоқда, меҳнаткашлар фаровонлиги ошмоқда. Хўжаликда уй-жой, маориф ва соғлиқни сақлаш объектлари қурилишига кўпроқ эътибор берила бошланди. Шу йилнинг бошидан 60 ўринли касалхона, 624 ўринли мактаб ишга туширилди, болалар боғчаси қуриб битказилмоқда.

Шу билан бирга хўжаликдаги резервларнинг ҳаммаси ҳам ишга солинган эмас. Масалан, бултур иккита бўлим, шунингдек 62 та звенодан 12 таси пахта тайёрлаш планини бажармади. Улар 404 тонна пахтани кам берди. Совхоз гўшт ва сут тайёрлаш юзасидан ўтган йилги топшириқларнинг бажарилишини таъминламади. Юқори навли пахтанинг салмоғи кўп эмас, сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори кам.

Областимизда бу йилги меҳнат баҳори оғир келди, табиий офатлар бирталай кулфат келтирди. Каттагина майдондаги экинларни, айниқса пахтани қайта экишга тўғри келди. Партия комитетлари билан халқ депутатлари Советлари одамларни қийинчиликларни бартараф этишга сафарбар қила олдилар. Ҳозирги вақтда деҳқонлар қабул қилинган мажбуриятларни бажариш мақсадида етарли миқдорда мўл ҳосил учун сабот билан курашмоқдалар.

Ўн биринчи беш йилликда областнинг икки райони — Учқўрғон ва Норин районлари аҳолисини табиий газ билан таъминлаш масаласи бир неча бор кўтарилди. Бироқ, бизга газ берадиган қувурнинг қуввати камлиги сабабли бу масаланинг ҳал этилиши орқага сурилди. Ҳозир газ қувурининг қуввати ошди. Шундай бўлса ҳам районларни газ билан таъминлаш ишлари ўн иккинчи беш йиллик планига киритилмади.

Яна бир масала. Айниқса, совхозларда уй-жой қурилиши суръатларини жадаллаштириш зарур. Қурилиш ташкилотларининг қувватлари ишларнинг бу ҳажмини бажариш имконини беради.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани лойиҳаси меҳнаткашларнинг манфаатларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади. Наманган областининг меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми қарорларини рўёбга чиқаришда актив иштирок этадилар, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

## Депутат В. И. АНТОНОВ нутқи

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ**

Агросаноат комплексининг стратегик вазифалари КПСС XXVII съездида аниқ-равшан белгилаб берилди. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани лойиҳаси ҳам бизни ана шу вазифаларни ҳал этишга сафарбар этади. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ялпи ҳажмини 29,7 процент, йиллик ўртача ҳисобда эса 16 процент ошириш назарда тутилмоқда. Бунда озиқ-овқат комплекси маҳсулотининг ўсиши 51,2 процентни ташкил этади. 1990 йилда дон етиштиришни 3 миллион 350 минг тоннага — 1985 йилга нисбатан 2,2 марта кўпайтириш, озуқа етиштиришни 20 миллион тонна озуқа бирлигига, пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажмини 1 миллион 830 минг тоннага етказиш, гўшт етиштиришни бир ярим баравар ошириш назарда тутилмоқда. Картошка, мева. узум етиштириш, сут, тухум тайёрлаш. сабзавот, қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кўпаяди.

Республикада беш йил мобайнида 360 минг гектар янги суғориладиган ерларни фойдаланишга топшириш ва илгаридан суғориб келинаётган майдонларда катта ҳажмда мелиорация ишларини бажариш, амалдаги суғориш системаларини реконструкция қилиш ва техникавий жиҳатдан такомиллаштириш лозим бўлади.

Агросаноат бирлашмаларининг қайта ишловчи тармоқлари жадаллик билан ривожлантирилади. Гўшт ва сут саноатида, озиқ-овқат тармоқларида ишлаб чиқаришни анча юксалтириш кўзда тутилмоқда.

Ана шундай тиғиз программани бажаришни эндиликда республиканинг ягона агросаноат комплекси системасига бирлашган меҳнат коллективлари таъминлашлари лозим. Республикада агросаноат комплексини бошқариш органларини шакллантириш ҳамма босқичларда асосан якунланди. Ҳозир ташкилий-ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш устида ишламоқдамиз. Район агросаноат бирлашмалари энг муҳим роль ўйнаши лозим, асосий долзарб хўжалик юмушлари улар зиммасига тушмоқда. Аммо агросаноат бирлашмаларининг ҳамма ходимлари ҳам бу йўл-йўриқнинг принцип эътибори билан муҳимлигини — бошқарувнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларига ўтишдек қайта қуриш жараёнининг муҳимлигини тушуниб олганлари йўқ. Жуда кенг кўламда хўжалик мустақиллиги шароитини яратиш бизда жуда суст бормоқда ва ҳамма вақт ҳам осон кўчаётгани йўқ.

Ташкилий даврнинг қийинчилиги яна шу билан ҳам изоҳланадики, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига ўтган кўпчилик хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи дуруст эмас. Шу яқин икки йил мобайнида экономикани тубдан мустаҳкамлашни таъминлаш лозим, токи чинакам хўжалик ҳисобига, ўз харажатларини ўзи қоплашга ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш мумкин бўлсин. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив формаларини жорий этиш, ҳамма ерда коллектив ва оилавий пудратга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг цех структурасига ўтиш бунга кўмаклашади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва асрашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, корхоналарни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш юзасидан тадбирлар назарда тутилмоқда. Чорвачилик биноларини тартибга солиш ва реконструкция қилишга, ем-хашак омборлари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқни ривожлантиришнинг катта социал программасини амалга ошириш, уй-жой, болалар муассасалари, мактаблар, соғлиқни сақлаш объектлари ва инженерлик таъминоти объектларини қуришни кўпайтириш лозим.

Республика агросаноат комплекси ходимлари учун янги беш йилликнинг дастлабки одимлари осон бўлмади. Ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли 400 минг гектардан зиёд ерда чигит қайтадан экилди. Далалардаги ишни жадаллаштириш учун тадбирлар кўрилмоқда.

Ўтган ярим йил мобайнида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети саноат маҳсулоти реализация қилиш планини бажарди. Пилла харид қилиш плани анча ошириб адо этилди. Мол ва парранда, жун ва тухум харид қилиш ярим йиллик планлари бажарилди. Сут харид қилиш иши яхши эмас.

Давлат агросаноат комитети ҳамма кўрсаткичлар бўйича бу йилги планларни тўла-тўкис адо этиш тадбирларини кўради.

## Депутат М. Ҳ. ҲАСАНОВ нутқи

**ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРИ**

Янги беш йиллик савдо-сотиқни янада ривожлантиришда, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, замонавий савдо-технология ускуналари билан таъминлашда муҳим босқич бўлади. Аҳолининг баъзи турдаги маданий-маиший молларга ва рўзғор ашёларига бўлган эҳтиёжини янада тўла-тўкис қондириш мақсадида биз саноат корхоналари билан биргаликда бир қанча корхоналарни аҳолига керакли молларни, айниқса рўзғор «икир-чикирлари» деб аталган кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш масалаларини ишлаб чиқяпмиз.

Енгил саноат ва савдо корхоналарида аъло сифатли узлуксиз бригадалар тузиш чоралари кўрилмоқда. Тақдим этилаётган талабномаларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши ва фақат шулар асосида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планлари тузилиши, уларнинг турлари ва сифати белгиланиши учун савдо билан саноатнинг ўзаро масъулияти оширилади.

Йирик савдо корхоналари ва ташкилотлари (Тошкент марказий универмаги, Тошкент бош универмаги, улгуржи базалар) ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент тўқимачилик комбинати билан, Тошкентдаги «Қизил тонг», «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналар билан шартномалар тузиб олдилар.

Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларини қайта қуриш, тармоқнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, тартиб ва уюшқоқликни, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг савдо қоидаларига ва иш режимига риоя этиши юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўн иккинчи беш йилликда савдо ва умумий овқатланишнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга Савдо министрлиги системаси бўйича ўн биринчи беш йилликка нисбатан қарийб икки баравар кўп капитал маблағ ажратилади.

Савдо саноатнинг муҳим шеригидир. Унинг буюртмалари халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун асос бўлиши керак. Аммо саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ўз ишини савдонинг талабномаларини тўла-тўкис қондиришни ва молларни замонавий жиҳозидишларда элтиб беришни эътиборга олиб ташкил этиши керак. Фақат иккала томоннинг юксак масъулиятигина ўн иккинчи беш йиллик вазифалари муваффақиятли бажарилишини таъминлай олади.

Савдонинг агросаноат комплекси билан ўзаро муносабатлари алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Республика шаҳарлари мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳали ҳам тўла-тўкис таъминланмаяпти, маҳсулотларни элтиб бериш, қабул қилиш ва уни сотишни ташкил этиш ўртасида пухта алоқа йўлга қўйилмаган. У томон ҳам, бу томон ҳам сусткашликка, нуқул маҳкамачилик нуқтаи назаридан ёндашишга интилаётганлиги кўриниб турибди, оқибатда бу ҳол тез айнийдиган молларнинг анчагина қисми нобуд бўлишига ва аҳолининг эҳтиёжлари қондирилмай қолишига олиб бормоқда.

Савдо ташкилотларининг ишини қайта қуриш ижобий натижалар бермоқда. Шу йилнинг 5 ойи ичида виноарақ сотиш кескин қисқаришига қарамай чакана товар обороти плани республикада ошириб бажарилди.

## Депутат А. А. ЙЎЛДОШЕВ нутқи

**САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ**

Самарқанд области саноати барча асосий кўрсаткичлар бўйича ярим йиллик планни бажарди. Капитал қурилишда, савдо, коммунал хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида ишларнинг аҳволи яхшиланди. Сув жуда танқис бўлган ва қурғоқчилик шароитида агросаноат комплексини ривожлантириш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда. Ғўза, сабзавот ва бошқа экинларнинг парвариши кучайтирилди. Ем-хашак жамғаришнинг ҳамма резервлари қидириб топилмоқда ва ишга солинмоқда, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда. Чорва моллар ва парранда харид қилиш ярим йиллик плани бажарилди, сут ва тухум тайёрлаш ҳажми ошди

Бироқ эришилган натижалар КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми талаблари даражасида эмас. Қолоқ корхоналар сони жуда секин камаймоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, давлат ва план интизомига риоя қилиш учун ҳали кадрларнинг жавобгарлигини оширишга муваффақ бўлганимиз йўқ.

Шундай аҳвол юз бердики, уй-жой, умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхоналар ва поликлиникалар билан таъминланиш жиҳатидан Самарқанд области республика даражасидан орқада қолди. Беш йилликда ана шундай объектларни қуриш юзасидан белгиланган ҳажмлар аҳоли сони муттасил ўсиб бораётган шароитда уй-жой, мактаблар, поликлиникалар ва касалхоналар етишмаслиги каби кескин проблемани бартараф этмайди. Бу проблемани ҳал этиш учун Самарқанд уйсозлик комбинатининг линиясини социал-маданий-маиший объектлар учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган қилиб реконструкция қилиш керак. Областда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни анча кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Буни асосан интенсив омиллар — экинлар ҳосилдорлигини ва чорва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш керак. Областда экинларни суғориш учун сув етишмаяпти. Айниқса озуқа экинлари чанқатиб қўйилмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш программасини бажариш учун ем-хашак етиштиришни икки баравар кўпайтириш лозим. Бунга асосан суғориладиган ерларда ем-хашак етиштиришни интенсивлаш ҳисобига эришиш мумкин. Чунки экин майдонларини кенгайтириш имкониятлари ғоят чекланган. Шу аҳволда фақат бир йўл бор — ирригация системалари фойдали ҳаракат коэффициентини ошириш, суғоришнинг илғор усулларини кенг жорий этиш юзасидан катта-катта тадбирларни амалга оширмоқ керак.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш, маҳсулот сифатини оширишга эътиборни айниқса кучайтириш зарур. Беш йиллик охирига бориб, олий категориядаги маҳсулотнинг салмоғини 70 процентгача етказиш белгиланган.

Саноатда асосий фондларнинг актив қисмини жадал янгилаш вазифаси қўйилди. Ҳозир енгил ва маҳаллий саноатнинг бир қанча корхоналарида урушдан олдин чиқарилган эски ускуналарда иш олиб борилмоқда. Самарқанд пиллакашлик бирлашмасида бундай ускуналар 30 процентдан кўпроқни, «Ҳужум» фабрикасида эса 87 процентни ташкил этади. Бундай корхоналарда меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини талаб қилинган даражада ошириш ва яхшилаш жуда қийин. Енгил ва Маҳаллий саноат министрликлари бу корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштиришлари керак.

